

ИККИНЧИ БЎЛИМ

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ ФАРМОНИ

2 Ўзбекистон Республикасида паспорт тизимини такомиллаштиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2009 йил 23 июнда қабул қилинган «Ўзбекистон Республикасида паспорт тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПФ–4117-сонли Фармониға мувофиқ ҳамда замонавий халқаро стандартлар ва талабларни инобатға олган ҳолда Ўзбекистон Республикаси фуқароси паспортини, шунингдек, фуқаролиги бўлмаган шахсларға ҳаракатланиш ҳужжатларини расмийлаштириш, бериш ва алмаштириш тартибини янада такомиллаштириш мақсадида:

1. Қуйидагилар:

Ўзбекистон Республикасида паспорт тизими тўғрисидаги низом 1-иловаға мувофиқ;

Ўзбекистон Республикасининг фуқаролиги бўлмаган шахсларининг биометрик ҳаракатланиш ҳужжати тўғрисидаги низом 2-иловаға мувофиқ тасдиқлансин.

2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 1999 йил 26 февралда қабул қилинган ПФ–2240-сонли Фармони билан тасдиқланган Ўзбекистон Республикасида паспорт тизими тўғрисидаги низом, Ўзбекистон Республикаси фуқаросининг амалдаги паспорти ва фуқаролиги бўлмаган шахсининг шахсини тасдиқловчи гувоҳнома 2015 йил 31 декабрға ҳақиқийлиги маълумот учун қабул қилинсин.

3. Ўзбекистон Миллий телерадиокомпанияси (А. Хўжаев), Ўзбекистон Миллий ахборот агентлиги (М. Ҳазратқулов) оммавий ахборот воситаларида (матбуот, телевидение, радиоэшиттириш) фуқаролар ўртасида мазкур Фармоннинг асосий қоидаларини кенг тарғиб қилиш бўйича чиқишлар ва мавзуга оид кўрсатувлар тайёрлашни таъминласин.

4. Ўзбекистон Республикаси Ташқи ишлар вазирлиги (Э. Ғаниев) белгиланган тартибда хорижий давлатлар ҳукуматларини, Халқаро фуқаро авиацияси ташкилотини ва Халқаро стандартлаштириш ташкилотини Ўзбекистонда миллий паспорт тизимини такомиллаштириш бўйича амалға оширилаётган тадбирлар тўғрисида хабардор қилсин.

5. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2003 йил 9 декабрда қабул қилинган ПФ–3358-сонли Фармони билан тасдиқланган Республика давлат

бошқаруви органлари рўйхатининг V бўлими қуйидаги мазмундаги 7-банд билан тўлдирилсин:

«7. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Давлат персоналлаштириш маркази».

6. Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги (Б. Матлюбов) Адлия вазирлиги (Р. Муҳитдинов) ва бошқа манфаатдор вазирликлар, идоралар билан биргаликда икки ой муддатда қонун ҳужжатларига мазкур Фармондан келиб чиққан ҳолда тегишли ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига таклифлар киритсин.

7. Ушбу Фармоннинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазири Ш. Мирзиёев зиммасига юклансин.

Ўзбекистон Республикаси
Президенти

И. КАРИМОВ

Тошкент ш.,
2011 йил 5 январь,
ПФ-4262-сон